

"ХУКМДОР" ВА "ФОЗИЛ ОДАМЛАР ШАҲРИ" АСАРЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Мамаражабов Мироншоҳ Абдимумин ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил
тадқиқотчиси

Аннотация: Мазкур мақолада Никколо Макиавеллининг “Хукмдор” (“Il Principe”) асари тарихий-сиёсий шароит, давр мафқураси ва фалсафий гоялари нуқтаи назаридан таҳлил этилади. Асарнинг номланиши, таркибий тузилиши ва мазмуни бўйича турли талқинлар шарҳланади. Муаллифнинг ҳокимият, ижтимоий адолат ва инсон қадриятлари ҳақидаги қарашлари, Ғарб ва Шарқ фалсафий меросидаги умумийлик ва фарқлар қиёсий таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Макиавелли, Хукмдор, сиёсий фалсафа, ҳокимият, ижтимоий адолат, инсон қадри, Шарқ ва Ғарб фалсафаси.

«Хукмдор» хусусида гап юритишдан олдин, унинг ёзилган даври, сиёсий-мафқуравий жиҳатлари, асарнинг мазмунига кўра тузилиш таркиби, мундарижаси хусусида маълумот бериб ўтиш лозим деб ўйлаймиз. Эътироф этиш лозимки, биз бу тадқиқот ишимизда «Хукмдор»нинг “TRUST AND SUPPORT” нашриётида чоп этилган 2024 йилги нашрига¹² асосландик.

Асар – дебоча ва давлат ҳокимияти, сиёсий бошқарув, сиёсатда ҳуқуқнинг ўрни, ижтимоий адолат, уларнинг ижтимоий фалсафий масалаларига бағишланган 26 бобдан иборат.

Аввало асарнинг номланиши хусусида ҳам уни танқидчилари турлича номлар билан номлаган. Бошқача айтганда, асарнинг мантиқи ва мазмунидан келиб чиқиб “Хукмдор” ёки “Давлатпаноҳ” номлар билан таҳлил қилинган. Мантиқан олганда бу икки ном мазмун-моҳият жиҳатдан унчали хато номлар эмас. Макиавелли бу асари орқали, илгари Ғарб фалсафасида анъанада бўлган, сиёсий ҳокимиятнинг илоҳий асосини рад этсада, барибир, замон ва ижтимоий мафкура таъсирида айрим илоҳий масалаларига устиворлик беради. Лекин, унинг халқ овози Худонинг овозидир деган тамойиллари барибир инсонни, жамиятни илоҳийлаштириш воситасида инсон қадри ва манфаатларини энг олий қадрият даражасига кўтаради. Айнан шу “гуноҳи”, яъни кўпасрлик Ғарб тамаддуни мафқурасидаги ҳокимиятни илоҳий асосларига қарши

¹² Nikkolo Makiavelli. Hukmdor. [Matn] // Nikkolo Makiavelli. – Toshkent, “TRUST AND SUPPORT” nashriyoti, 2024. 304 b.

боргани учун Макиавелли катта маломатларга қолган. Бу тамойил мусулмон Шарқда тасаввуф намоёндаларининг айримларида учраган инсонни илоҳийлаштириш(Худолаштириш) орқали инсон шаъни, манфаати, қадри энг юксак мақомга кўтарилганлиги билан қиёслаш мумкин. Ал-Фаробий ҳам шу каби файласуфлардан бири. Тасаввуф тарафдорларини бу каби ижтимоий адолат тараннум қилинган ғоялари кўпинча мудҳиш жазо чоралари билан жавоб берилган. Чунки, улар кўтарган адолат, тенглик даъволари у давр сиёсий мафкуралар тарафдорлари манфаатига нафақат тўғри келмасди балки хавф манбаи ҳам эди.

Айрим тадқиқотчилар иддао қилганларидек Макиавелли яна эски лавозим ва мақомга қайтиб, давлатнинг имтиёзли олий табақа вакили бўлиб қолиш учун, хушомад учун, ҳукмдор(лар)га ёқиш учун шу асарни ёзган деган фикрга унчалик қўшилмаймиз. Бу асарнинг дебочаси бўлган **“Олий ҳазратлари Лоренцо де Медичи ҳазрати олийларига – Никколо Макиавеллидан”**¹³ деб номланган бобида ортиқча хушомад кўринмайди. Хусусан, мутафаккир моддий жиҳатдан қимматга эга нарсалар эмас, айнан ўз ғояларини тақдим этиш орқали тарихда ўз ўрнига эга бўлиб турипти. Аслида, ҳақиқий вазият ва муносабатлар қайтарзда кечгани ҳамма тадқиқотчилар каби бизга ҳам қоронғи. Тарихий шахслар ҳақида кўпинча ҳақиқатдан кўра афсонага айланган бўрттирилган, уларни шуҳратини ошириш ёки камситишга хизмат қиладиган маълумотлар юради. Макиавелли билан боғлиқ айрим маълумотлар ҳам шунга яқин деб ҳисоблаймиз.

Шу бобда бир диққатга сазоввар бир жумлалар бор: *“Кўнглимдан кечган яна бир туйғу шуки, паст табақадан чиққан, ҳақиру фақир бир кимса давлат ишларига аралашиб, ҳукмдорларнинг хатти-ҳаракатларини муҳокама этиши, йўл-йўриқ кўрсатишидек сурбетликка борибди деган фикр пайдо бўлмаслигини истардим. Зероки, манзара чизаётган рассом, тоғ ва тепаликларни тасвирлайман деса водийга тушиши ва, аксинча водийни тасвирлайман деса тоққа чиқиши зарур бўлганидек, элни билиш учун ҳукмдор бўлиш керак, ҳукмдорларни билиш учун эл қаторида юриш шарт”*¹⁴. Бу мажозий ўхшатиш орқали ифодаланган бўлсада, ижтимоий муносабатларда табақалар ўртасида, хусусан, ҳукмдор ва фуқаро ўртасидаги муносабатларда, айнан юксакликдан қаралиши ҳикматига ишора берилган.

Мактуб охирида: *“Ўтинчим борки, ушбу камтарин совгани Олий ҳазратлари менинг юрагимни эгаллаган туйғуларга ҳамоҳанг туйғу билан қабул қиладилар; агар сиз ушбу асарни қунт билан ўқиб мушоҳада этишга қарор берсангиз Сиз Олий*

¹³ Nikkolo Makiavelli. Hukmdor. [Matn] // Nikkolo Makiavelli. – Toshkent, “TRUST AND SUPPORT” nashriyoti, 2024. – Б. 16-17.

¹⁴ Шу жойда

ҳазратларининг юксак фазилатларингизга лойиқ келувчи буюкликни тақдирдан тилашим нечоғлик чексизлигини сезиб оласиз”¹⁵ деб Медичига асарни кунт билан ўқиб чиқиши фойдадан холи бўлмаслигини тавсия қилади.

Бу қараш беғараз, соғлом, истиқболда адолат, тенглик мақсадлари билан қаралса айниқса яхши бўларди. Шу маънода Макиавеллининг **“Мақсад воситани оқлайди”** тезиси ўз замонасида унга кўп таъна-дошномлар ёғилишига сабаб бўлгани каби ҳозиргача баҳсли масала бўлиб келаётир.

Гарчи Макиавелли **“Хукмдор”**да хукмдорни ҳаммадан устун қўйганлиги, у ҳамма қонун қоидаларга бўйсўнмаслиги фақат адолатга асосланишини ўз даврида илгари суриш орқали Фарбий Европа фалсафаси тарихига кирган бўлсада, бу каби ғоялар ал-Фаробийнинг **“Фозил одамлар шаҳри”**даги **“Фозиллар шаҳри ҳокимининг фазилатлари”** бобида: **“Бундай шаҳарга ҳоким бўладиган одам (Аллоҳдан бошқа) ҳеч кимга бўйсўнмаслиги керак. Фозиллар шаҳрининг биринчи бошлиғи шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн иккита хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур”**¹⁶. Кўриниб турганидек, Фаробий бундай ғояларни ҳали IX асрдаёқ илгари сурган. Албатта, Фаробийда ҳам ўз даври ижтимоий руҳи устиворлиги шунда намоён бўладики, у ҳокимни фақат Худодан бошқага бўйсўнмаслиги орқали бутун коинотга соҳиб Худо ўзи адолат соҳиби эканлигига, Оллоҳни ҳукмини халойиққа етказувчи маъсул шахс имом даражасида бўлишлигига ишора қилади. Зеро мусулмон оламида имом сўзининг маъноси гарчи **“олдинда турувчи”** деб таржима қилинсада, Худонинг номидан гапирувчи, ғоявий раҳбар, номозни олдида турувчи, халиф, яъни шогирд ёки ўринбосар (Оллоҳни) деб билинган. Бунга ёрқин мисол эса Ислом дини пайдо бўлган пайтларда биринчи имом вазифасини айнан пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) бажарганлиги¹⁷. Бошқача айтганда Фаробий замонида ижтимоий муносабатлар, хусусан сиёсий масалаларда адолат кафолати сифати айнан дин қўйилганлигини таъкидлаш ўринли.

Ал-Фаробийга имом ёки шайхлик унвонлари қўшилмаганлигининг асосий сабабларидан бири унинг бошқа айрим олимлар каби, улар дунёвий илмларга тарафдори бўлганлиги, ҳамма масалаларни илмий таҳлил орқали ҳал қилиш, дунёвийлик тамойилларига мойиллик устивор бўлганлиги деб ҳисоблаймиз. Ваҳоланки, Фаробий дин илмида ҳам замонасининг илғорларидан бири бўлганлиги кўп манбаларда эътироф этилган. Буни Ибн Сино ўзи диний илмда Шайх ур-райс даражасига эришгани ҳолда, унга ҳеч қандай диний илм рутбаси берилмагани билан

¹⁵ Шу жойда.

¹⁶ Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А.Кодирий нашриёти, 1993, 161-б.

¹⁷ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/imom-uz/>

қиёслаш мумкин¹⁸. Ибн Синонинг “айби” масалаларни дунёвий ва илмий ечимини устивор қўйганлиги, хусусан тиббиётда илмий асослар яратганлиги эди.

Асарнинг биринчи боби “Мамлакатни неча турдалиги ва уларнинг эгалланиш йўллари” деб номланган бўлиб, унда умуман давлатни авом халқ устидан назорат қилиш воситаси сифатида талқин қилинган. Келтирилган мисолларга қараганда давлат тизими ва тузуми бир бирига асло ўхшамас тузилмалар бўлиб, умумий мақсади халқ устидан назорат ва бошқа ерлар, мулклар ҳисобидан кенгайиб такомиллашиб бориш мақсади қўйилганлиги унинг ўхшашлик хусусияти эканлиги айtilган¹⁹. Давлат такомилли, бой ёки камбағаллиги, унинг истиқболи албатта уни бошқарувчи сулолалар ёки салтанатни қўлга киритган янги ҳукмдорлари салоҳияти, укувиға боғлиқлиги айtilган.

Асарнинг “**Меросий янги ҳокимлик**” деб номланган иккинчи бобида, республика масласини вақтинча четлаб ўтиб, мутафаккир ўша давр учун, айниқса Италия тарихидаги анъанавий сиёсий жараёнлар хусусида фикр юритилади. Унда агар ўта адолатли бўлмаса ҳам сиёсий бошқариш узоқ сулолалар бошқаруви олқишланади. Чунки турли йўллар билан янги ҳокимиятга келган ҳукмдор ва унинг атрофидагилар келажакда қандай сиёсат олиб боришини олдиндан ҳеч ким билмайди. Мана шу хусусда у нима дейди: “...Авваламбор, ворисий салтанат хусусида гапирилса, фуқароларига таниш ва ўрганиш бўлиб қолган сулола тахтига ворислик бўйича чиққан подшоҳни иши - янги, бегона тахт эгасидан қўра анча енгил кўчади. Сабаби, ота-боболарининг одатларидан четга чиқмасликнинг ўзи салтанатни сақлашга кифоя қилади”²⁰. Яъни сиёсий-психологик жиҳатдан мослашганлик(адаптация) жиҳати айtilган. Яна шу нарса айtilадики, илгари бир мамлакат таркибида бўлган айрим вилоят, князликлар, графликларни салоҳияти ва ўз давлатини сақлаб қолишга бўлган ижобий натижаларини мисол қилиб келтирган. Италия давлати Рим папасига тобеъ бўлган бир вақтда уни бир қисми(субъекти) бўлган Венеция ва Феррари герцогликларини шундай таърифлайди: “*Бизнинг Италиямизда бунга мисол тариқасида, 1484 йилда венецияликлар ва 1510 йилда папа Юлий томонидан мағлубиятга учратилишига қарамай ўз ҳокимиятини сақлаб қолган ферраралик герцогни кўрсатиш мумкин*”²¹

Макиавелли бу ўринда янги давр Европасида сиёсий-фалсафий мактаб сифатида шаклланган ва ҳозирда бутун дунё сиёсий сиёсати ва мафқурасида кенг палак ёйган

¹⁸ Abu Ali ibn Sino. https://uz.wikipedia.org/wiki/Abu_Ali_ibn_Sino

¹⁹ Nikkolo Makiavelli. Hukmdor. [Matn] // Nikkolo Makiavelli. – Toshkent, “TRUST AND SUPPORT” nashriyoti, 2024. – Б. 18.

²⁰ Шу манба 18 бет

²¹ Шу манба 19 бет

консерватизм²² ғояларини ҳам унутмаган дейиш мумкин. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, ҳамма вақт ҳам жамиятда, сиёсат ҳаёт бобида юз берган радикал(**радикализм**)²³ ўзгаришлардан кутилган натижа бермаган. Бунга содир бўлган инқилобларни айтиш мумкин. Лекин шунга қарамай тарихнинг турли даврларидан ҳазиргача мутлақо чидаб бўлмайдиган сиёсий-мафкуравий тузумлар ва тизимларга қарши радикал жараёнлар бўлади. Чунки, бу халқни охириги умиди сифатида юз беради.

Макиавелли асарнинг **“Қўшилган ёки янги ҳокимиятлар”** деб номланган учинчи бобида айнан радикал ўзгаришларни ёмонлиги умуман башорат қилиб бўлсам оқибатларига тўхтаб ўтилган. У шундай дейди: *“...Сабаби, янги ҳоким табиий қонуният бўйича эскисидан муқаррар равишда ёмон бўлади. Муқаррарлиги шундаки, истилочилар истилонинг табиий қонуниятлари бўйича янги фуқаролари устига янги солиқ ва мажбуриятлар қўяди; қўшинни боқиб вазифаларини юклайди...”*²⁴.

Бу бобда Макиавелли Италия, Франция, Испания қиролликлари каби Европа давлатлари ўртасида, кечган, шунингдек, Италиянинг тарқоқлик ва бирлашиши билан кечган сиёсий-ҳарбий-дипломатик жараёнлар мисолида бир нечта ҳолатларни мисол қилиб таҳлил қилади.

Эътироф этиш лозимки, бу таҳлиллар макиавеллининг нафақат Ғарб халқлари ва давлатлари тарихини, балки мамлакатлари тарихини чуқур билган олим ҳамда катта сиёсий-дипломатик жараёнларда бевосита иштирок этган тажрибали амалиётчи эканлигини кўрсатади. Хусусан, Эрон тарихи ва Искандарни Эронни босиб олагидан кейин нима учун барқарор бошқарув бўлганлиги, нега турк султонларини босиб олингач бу давлат халқларини бошқариш осон бўлишини тушунтириб ўтган. У ўз тажрибалари ва тарихий жараёнлар, уларга асосланиб ўз сиёсий фалсафасини шундай асослайдики, Эрон ва Турк султонлигида мамлакатни тақдири яқка ҳукмдорларга боғликлиги, шу ҳукмдорларни мавҳ этилиши ёки қатл этилиши, унинг сулоласи, унга содиқ кишиларни қатл қилиниши бутун унга тобеъ ҳудудлар ва бошқарувчиларни тўлиқ янги ғолиб ҳукмдорга бўйсунини англатади дейди. Лекин, айрим бошқа давлатлар, хусусан, Италия, Франция, Испания ва бошқа Ғарб мамлакатларини босиб олиш олиш осон, лекин бошқариш қийин эканлигини мисоллар билан исботлайди²⁵.

Макиавелли “Ҳукмдор” нинг “Искандар забот этган Доро Салтанатининг вафотидан сўнг унинг меросхўрларига қарши нега бош кўтариб чиқмаганлиги

²²Консерватизм. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

²³Радикализм. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

²⁴ Шу манба 21-30 бетлар.

²⁵ Шу ерда

хақида” деб номланган тўртинчи бобида, юқоридаги назарий жиҳатларни исботлаш мисолида шундай дейилган: “...Энди Доронинг шаҳаншоҳлигига мурожаат қиладиган бўлсак, унинг турк султонлигига ўхшашлигини кўрамиз. Шунинг учун Искандар Дорони очик жангда енгиб, қўшинини чилпарчин қилиши шарт эди. Бундай галабадан ва Доронинг уруг-аймогини қириб ташлагандан кейин эса Искандар ўз хукмдорлигидан хавфсирамаса ҳам бўларди. Агар унинг издошлари тотув яшаганларида аҳоли томонидан ҳеч қандай қаршилик бўлмас эди.

*Франция сингари тузумли давлатларда истилочи у каби беғам бўлолмайди...*²⁶.

Макиавелли ўзи ҳам эътироф этгани каби ва умуман мантикийликка таяниб, айримлар тадқиқотчилар, амалиётчилар томонидан баъзи мутафаккирларни пайғамбарлаштириш асоссиз эканлигини қайд этган ҳолда шуни айтишимиз лозимки, макиавелли ҳам ўз дунёқараши ва тажрибалари доирасида мушоҳада қилган, шулар асосида хулослар қилган. Лекин бир ҳақиқат аёнки, замон бир жойда тўхтаб турмас экан, ҳар бир давр бир кишиси ўз замони ва ижтимоий муҳити ҳолатида келиб чиқиб тафаккур қилади. Назаримизда ҳар қандай масалани аниқ бир темир қонуни ёки уни белгиловчи формуласи йўқ. Шу маънода Макиавелли “Искандар забт этган Доро Салтанатининг вафотидан сўнг унинг меросхўрларига қарши нега бош кўтариб чиқмаганлиги хақида” бобнинг хулосасида шундай деган: “...Асл сабаби - босқинчи голиб жанг маҳоратининг ортиқ ё камлигида эмас, балки забт этилган юртларнинг давлат тизимининг фарқидадир”²⁷. Биз яна шуни хулоса қиламизки, сиёсий жараёнлар кечган маконларда фарқ бўлагани каби, бундай воқеалар силсиласининг замондаги фарқи ҳам борки, улар ҳам айнан такрорланмайди. Айнан ана маконларда ва замонларда кечган жараёнлар фалсафанинг қонун ва категориялари призмасида қараганда ўзидан олдингилари бўлган ҳолатларни инкорни қилиш билан бирга бир сифат даражадан яна бир янги сифат даражага ўтади.

Фойдаланилган адабийотлар

1. Фаробий, “Фозил одамлар шаҳри”, Тошкент, 1993.
2. Макиавелли Н., “Ҳоким” (Ил Принсипе), Тошкент, 2002.
3. Ғайбуллаев М. “Шарқ сийосий тафаккури тарихидан”, ТДШУ, 2019.
4. Қодиров Ф. “Фалсафа ва сийосат: уйғунлик масаласи”, Шарқ йулдузи, 2020.
5. Закарийа М. “Политисал Философӣ фром Плато то Мао”, Роутледге, 2015.

²⁶ Шу манба 31-33 бетлар.

²⁷

6. Холйоак Ж. “Етҳисс анд Политисс ин Ансиент Тҳоугҳт”, Самбридге Университй Пресс, 2018.

7. Ал-фараби анд тхе Фоундатион оф Исламис Политисал Философй, Солумбиа Университй Пресс, 2001.

8. Скиннер Қ. “Тхе Фоундатионс оф Модерн Политисал Тҳоугҳт”, Самбридге, 978.